

**“Ангрен логистика маркази” АЖ**  
**кузатув кенгашининг 3-сонли мажлиси баённомаси**

**Ўтказиш санаси:** 2024 йил 27 май.

**Ўтказиш жойи:** Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 1-уй.  
“Ангрен логистика маркази” АЖнинг маъмурий биноси.

**Ўтказиш вақти:** Соат 15:00 да.

**Мажлисида иштирок этган кузатув кенгаши аъзолари:**

- |                                  |                        |
|----------------------------------|------------------------|
| 1. Рустамов Бахтиёр Равшанович   | кузатув кенгаши раиси  |
| 2. Алибеков Тимур Абдумухторович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 3. Бойсинов Жасур Хасанович      | кузатув кенгаши аъзоси |
| 4. Абдиқаримов Шавкат Озодович   | кузатув кенгаши аъзоси |
| 5. Асроров Умит Саттор ўғли      | кузатув кенгаши аъзоси |

**Мажлисга таклиф қилинганлар:**

- |                                  |   |
|----------------------------------|---|
| 1. Абдураимов Ботир Тураевич     | “Ангрен логистика маркази” АЖ<br>Бош директори  |
| 2. Холжуманова Зебинисо Душаевна | “Ангрен логистика маркази” АЖ<br>бош бухгалтери |
| 3. Ботиров Мухаммаджон Хошимович | “ТТТ-AUDIT” МЧЖ<br>Бош директори                |

Йиғилишда кузатув кенгаши аъзоларини 5 нафар аъзосидан 5 нафари, 100% иштирок этаётганлиги сабабли йиғилишни ўтказиш учун етарли кворум мавжуд. Йиғилиш очик деб эълон қилинди.

**Кузатув кенгашининг навбатдаги мажлиси кун тартиби:**

1.	“Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2023 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
2	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
3	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида.
4	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.
5	2023 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида.
6	Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида.
7	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг тижорат сири режимига риоя этиш тўғрисида”ги низомини тасдиқлаш тўғрисида.

8	“Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2024 йил биринчи чоракдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
---	--

**1. Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2023 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида”ги биринчи масала** юзасидан Б.Рустамов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш Регламенти”га асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йилдаги молиявий ҳолати таҳлил қилинганлигини ва Давлат активларини бошқариш агентлигини веб-сайтига ([kpi.davaktiv.uz](http://kpi.davaktiv.uz)) жойлаштирилган жамият ижроия органининг самарадорлик муҳим кўрсаткичи (СМК) 103,2 фоизни, яъни етарли даражада ташкил этганлиги қайд этилган бўлсада, жамиятнинг паст рентабеллиги, асосий воситалари эскирганлиги аниқланганлиги тўғрисида маълумот берди ва шу муносабат билан жамият ижроия органининг 2023 йил яқунлари бўйича ҳисоботини танқидий кўриб чиқишни таклиф қилди.

Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил яқунлари бўйича қуйидагиларни маълум қилди:

- жами даромад 6 655 804 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (2 069 272 минг сўм) нисбатан 4 586 532 минг сўмга (321,7 фоиз) кўпайган, (12 526 813 минг сўм) режани 5 871 009 минг сўмга (46,9 фоиз) кам бажарилган;

- давр харажатлари 2 570 903 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (1 344 936 минг сўм) нисбатан 1 225 967 минг сўмга (91,2 фоиз) кўпайган, белгиланган (2 116 425 минг сўм) режага нисбатан 454 478 сўмга (121,5 фоиз) кўп сарф-харажат қилинган;

- соф фойда 370 594 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (181 372 минг сўм зарар) нисбатан 551 966 минг сўмга (304,4 фоиз) кўпайган, белгиланган (1 423 986 минг сўм) режани 1 053 392 минг сўмга (74 фоиз) кам бажарилган;

- дебиторлик қарздорлиги 5 729 202 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (21 311 991 минг сўм) нисбатан 15 582 789 минг сўмга (73,2 фоиз) камайган, бунда муддати ўтган дебиторлик қарздорлик 3 346 060 минг сўмни ташкил этган;

- кредиторлик қарздорлиги 1 120 903 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (570 334 минг сўм) нисбатан 550 569 минг сўмга (96,6 фоиз) кўпайган, бунда муддати ўтган кредиторлик қарздорлик 141 014 минг сўмни ташкил этган.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил яқунлари бўйича 2022 йил 28 ноябрь куни тасдиқланган Бизнес-режада 12 526 813 минг сўм даромад олиш режалаштирилган ва амалда олинган даромад 6 655 804 минг сўмни ташкил этган.

2023 йил кам олинган даромад ва давр харажатларини ўсишига қуйидаги олимилар сабаб бўлган:

1. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун тасдиқланган Бизнес-режасида 2023 йилда 94,13 минг тонна юкни иқтисодиёт тармоқларига автотранспорт воситаларида етказиб бериш режалаштирилган бўлсада, 45,31 минг тонна юк ташилган. Бунинг асосий сабаби 2023 йил учун “Ангрен логистика маркази” АЖнинг буюртмалар партфелини шакллантирилганида корхона, муассаса ва бошқа ташкилотлар томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг қувватидан фойдаланиб иқтисодиёт тармоқларига юкларни ташиш юзасидан берган прогноз кўрсаткичларида кўзда тутилган юкларни ташишга буюртмалар берилмаганлиги оқибатида вужудга келган.

“Ангрен логистика маркази” АЖ томонидан юк ташиш тарифларни тушириш, юкларни ташишда бошқа транспорт-экспедиторлик фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотлар билан соғлом рақобатни юзага келтириш учун транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш таннархини камайтириш мақсадида автотранспорт воситаларини газлаштириш ишларини амалга ошириш учун етарли даражадаги маблағга эга эмас.

2. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун тасдиқланган Бизнес-режасида 2023 йилда жамият балансидаги 121 дона автотранспорт воситасини е-аукцион савдо платформаси орқали ижарага бериш режалаштирилган.

2023 йилда жамиятнинг 477 дона жами баланс қиймати 110 565 339 140,08 сўм, амортизацияси 101 886 805 985,78 сўм, қолдиқ қиймати 8 678 533 163,30 сўм бўлган автотранспорт воситасидан фойдаланишга яроқсиз, таъмирталаб 458 донасини е-аукцион электрон савдо платформаси орқали ижарага бериш учун савдога чиқарилган.

Ижарага бериш учун савдога чиқарилган автотранспорт воситаларидан 1 дона автотягач ва 59 дона юк кўтарувчи ярим тиркамани бир йил муддатга ижарага берилган. Ижарага бериш учун савдога чиқарилган фойдаланишга яроқсиз, таъмирталаб 28 дона автосамосвал, 130 дона автотягач ва 239 дона юк кўтарувчи ярим тиркамани ижарага олиш учун талабгор топилмаган.

3. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун тасдиқланган Бизнес-режасида ер солиғи 19,07 Га учун 619 788 минг сўм режалаштирилган бўлсада, амалда 2023 йилда 881 454 минг сўм тўланган.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов, У.Асроров, Т.Алибеков

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

**2. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида”ги иккинчи масала юзасидан М.Ботиров сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан таништирди (Хулоса илова қилинади).**

Аудиторлик текшируви натижалари бўйича “Ангрен логистика маркази” АЖнинг молиявий ҳисоботида унинг молиявий ҳолати ва молиявий-хўжалик амалиётлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мос келиши тўғрисида аудиторлик хулосаси берилган.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов, У.Асроров, Т.Алибеков

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

**3. Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида”ги учинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисобот билан таништирди (Ҳисобот илова қилинади).**

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов, У.Асроров, Т.Алибеков

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

**4. Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида”ги тўртинчи масала юзасидан З.Холжуманова сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича соф фойдаси 370 594 минг сўмни ташкил қилганлигини маълум қилди.**

Ж.Бойсинов, 2023 йил 25 декабрь куни қабул қилинган “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2024 йилнинг 1 июлига қадар 2023 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2024 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин ва мис қазиб олувчи корхоналар 2023 ва 2024 йиллардаги давлат улуши бўйича соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказиши” деб белгиланганлиги муносабати билан 370 594 минг сўм соф фойдани қуйидагича тақсимлаш тўғрисида тақлиф киритди:

- соф фойданинг 5 фоизини ташкил қилган 18 529,7 минг сўмлик қисмини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддасига асосан жамиятнинг захира фондига ўтказиш;

- соф фойданинг 45 фоизини ташкил қилган 166 767,3 минг сўмлик қисмини жамиятнинг устав фондига капитализация қилиш шарти билан жамиятни ривожлантириш учун йўналтириш;

- соф фойданинг 50 фоизини ташкил қилган 185 297,0 минг сўми давлат улуши бўйича дивидендга йўналтириш учун ажратиш.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов, У.Асроров, Т.Алибеков

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

**5. Кун тартибидаги “2023 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида”ги бешинчи масала** юзасидан М.Ботиров сўзга чиқиб, 2016 йилда Жамият томонидан “Корпоратив бошқарув кодекси” жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, 2023 йил учун “Ангрен логистика маркази” АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ўтказилганлиги, аудиторлик ташкилоти томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг бу борадаги фаолияти қониқарли даражада баҳоланганлиги тўғрисида хулоса берилганлигини маълум қилди ва “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича фаолиятини қониқарли даражада деб топиш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга кўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов, У.Асроров, Т.Алибеков

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

**6. Кун тартибидаги “Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида”ги олтинчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқди ва қуйидагиларни маълум қилди.

2024 йил 17 май куни “Ангрен логистика маркази” АЖ томонидан ХТ-ХАРИД электрон савдо платформасида 2937004-лот билан жамиятнинг 2024 йил учун молиявий-хўжалик фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун бошланғич контракт суммаси 30 000 000 сўм бўлган якуний аудиторлик хулосани тақдим этиш муддати 365 иш кунини белгиланиб 2024 йил 24 майгача танлов эълон қилинди. Танловда 3-иштирокчи “ТТТ-AUDIT” МЧЖ контракт суммаси ҚҚС билан 25 760 000 сўм, 4-иштирокчи “KORIFEY-AUDIT” МЧЖ контракт суммаси ҚҚС билан 29 568 000 сўм ва 5-иштирокчи “AMIR-AUDIT” МЧЖ контракт суммаси ҚҚС билан 22 400 000 сўмга аудит текшируви якуни бўйича аудит хулосасини тақдим этиш муддати 365 иш куни таклифи билан иштирок этди.

Т.Алибеков, танлов натижасида келиб тушган таклифлар жамият кузатув кенгаши ҳузуридаги аудит кўмитаси томонидан атрофлича кўриб чиқилганлигини маълум қилди ва “Ангрен логистика маркази” АЖнинг молиявий-хўжалик фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун танлов ўтказиш тўғрисида”ги низом талабларидан келиб чиқиб, жамиятнинг 2024 йилдаги фаолияти юзасидан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текширувини ўтказиш учун танловда иштирок этган контракт суммаси ҚҚС билан 22 400 000 сўм бўлган 5-иштирокчи “AMIR-AUDIT” МЧЖни танлаш ва қарор қабул қилиш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритишни таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга кўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов, У.Асроров, Т.Алибеков

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

**7. Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг тижорат сири режимига риоя этиш тўғрисида”ги низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги еттинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб қуйидагиларни маълум қилди:**

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан 2024 йил 29 мартдаги 03/29-26/1176-сонли хат билан “Ангрен логистика маркази” АЖ ходимларининг тижорат сири режимига риоя этишини тартибга солувчи ҳужжатларни қабул қилинганлигини ҳолатини ўрганиш мақсадида маълумот тақдим этиш сўралган.

Жамият ходимларининг тижорат сири режимига риоя этишини тартибга солувчи алоҳида низом мавжуд эмас.

Ш.Абдукаримов, жамият кузатув кенгаши ҳузуридаги коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 28 июль куни 2818-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 21 июндаги “Ходимлари тижорат сиридан фойдаланадиган корхоналар ва ташкилотлар учун тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 01/26-26/40-сонли қарори билан тасдиқланган “Ходимлари тижорат сиридан фойдаланадиган корхоналар ва ташкилотлар учун тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича намунавий низом асосида “Ангрен логистика маркази” АЖнинг тижорат сири режимига риоя этиш тўғрисида”ги низом лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги тўғрисида маълумот бериб, кузатув кенгаши аъзоларидан ушбу низомни тасдиқлаб беришларини сўради (“Ангрен логистика маркази” АЖнинг тижорат сири режимига риоя этиш тўғрисида”ги низоми лойиҳаси илова қилинади.).

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов, У.Асроров, Т.Алибеков

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

**8. Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2024 йил биринчи чоракдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида”ги саккизинчи масала юзасидан Ж.Бойсинов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш Регламенти”га асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2024 йил биринчи чоракдаги молиявий ҳолати таҳлил қилинганлигини ва Давлат активларини бошқариш агентлигини веб-сайтига ([kpi.davaktiv.uz](http://kpi.davaktiv.uz)) жойлаштирилган жамият ижроия органининг самарадорлик муҳим кўрсаткичи (СМК) 100,2 фоизни, яъни етарли даражада ташкил этганлиги қайд этилган бўлсада, жамиятнинг паст рентабеллиги, асосий воситалари эскирганлиги аниқланганлиги тўғрисида маълумот берди ва шу муносабат билан жамият ижроия органининг 2024 йил биринчи чорак яқунлари бўйича ҳисоботини танқидий кўриб чиқишни таклиф қилди.**

Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2024 йил биринчи чорак якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисида қуйидагиларни маълум қилди:

- жами даромад 1 217 171 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (1 897 099 минг сўм) нисбатан 679 928 минг сўмга (35,9 фоиз) камайган, (2 231 147 минг сўм) режани 1 013 976 минг сўмга (45,5 фоиз) кам бажарилган;

- давр харажатлари 450 141 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (690 060 минг сўм) нисбатан 239 919 минг сўмга (34,8 фоиз) камайган, белгиланган (617 702 минг сўм) режага нисбатан 167 561 сўмга (27,2 фоиз) кам сарф-харажат қилинган;

- соф фойда 35 927 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (335 947 минг сўм) нисбатан 300 020 минг сўмга (89,3 фоиз) камайган, белгиланган (116 894 минг сўм) режани 80 967 минг сўмга (69,3 фоиз) кам бажарилган;

- дебиторлик қарздорлиги 5 681 582 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (5 729 202 минг сўм) нисбатан 47 620 минг сўмга (0,9 фоиз) камайган, бунда муддати ўтган дебиторлик қарздорлик 3 708 604 минг сўмни ташкил этган;

- кредиторлик қарздорлиги 677 085 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (1 120 902 минг сўм) нисбатан 443 817 минг сўмга (39,6 фоиз) камайган, бунда муддати ўтган кредиторлик қарздорлик 150 892 минг сўмни ташкил этган.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2024 йил биринчи чораги якунлари бўйича 2023 йил 28 ноябрь куни тасдиқланган Бизнес-режада 2 231 147 минг сўм даромад олиш режалаштирилган ва амалда олинган даромад 1 217 171 минг сўмни ташкил этган.

2024 йилнинг биринчи чорагида кам олинган даромад ва давр харажатларини ўсишига қуйидаги омилилар сабаб бўлган:

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2024 йил учун тасдиқланган Бизнес-режасида 2024 йилнинг биринчи чорагида 14,03 минг тонна юкни иқтисодиёт тармоқларига автотранспорт воситаларида етказиб бериш режалаштирилган бўлсада 1,72 минг тонна юк ташилган. Бунинг асосий сабаби 2024 йил учун “Ангрен логистика маркази” АЖнинг буюртмалар партфелини шакллантирилганида корхона, муассаса ва бошқа ташкилотлар томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг қувватидан фойдаланиб иқтисодиёт тармоқларига юкларни ташиш юзасидан берган прогноз кўрсаткичларида кўзда тутилган юкларни ташишга буюртмалар берилмаганлиги оқибатида вужудга келган.

“Ангрен логистика маркази” АЖ томонидан юк ташиш тарифларни кескин тушириш, юкларни ташишда бошқа транспорт-экспедиторлик фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотлар билан соғлом рақобатни юзага келтириш учун транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш таннархини камайтириш мақсадида автотранспорт воситаларини газлаштириш ишларини амалга ошириш учун етарли даражадаги маблағга эга эмас.

1. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2024 йил учун тасдиқланган Бизнес-режасида 2024 йилда жамият балансидаги 121 дона автотранспорт воситасини е-аукцион савдо платформаси орқали ижарага бериш режалаштирилган.

Жамият томонидан 2024 йилнинг биринчи чорагида 477 дона автотранспорт воситасидан фойдаланишга яроқсиз, таъмирталаб 397 донасини е-аукцион электрон савдо платформаси орқали ижарага бериш учун савдога чиқарилган.

Ижарага бериш учун савдога чиқарилган автотранспорт воситаларидан 3 дона юк кўтарувчи ярим тиркамани бир йил муддатга ижарага берилган. Ижарага бериш учун савдога чиқарилган 394 дона фойдаланишга яроқсиз, таъмирталаб автосамосвал, автотягач ва юк кўтарувчи ярим тиркамани ижарага олиш учун талабгор топилмаган.

Шулардан 308 донаси сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган фойдаланишга яроқсиз, таъмирталаб автотототранспорт воситасини ташкил этади.

“Gold Grand Estimation” МЧЖ томонидан 308 дона жами баланс қиймати 66 026 402 111 сўм, амортизацияси 61 265 791 913 сўм, қолдиқ қиймати 4 760 610 199 сўм бўлган автотототранспорт воситалари бозор баҳосида баҳоланган ва 2024 йил 26 февраль куни 16/24-сонли баҳолаш ҳисоботи тузилган. Баҳолаш ҳисоботида 308 дона автотранспорт воситасини жами бозор баҳоси 39 804 938 000 сўм этиб белгиланган.

2024 йил 11 март куни “Urganch baholash va konsalting” МЧЖ томонидан “Gold Grand Estimation” МЧЖ томонидан 2024 йил 26 февраль куни 16/24-сонли тузилган баҳолаш ҳисоботи ҳаққонийлиги тўғрисида 09ЭХ-2024-сонли ижобий экспертиза хулосаси берган.

2024 йил 29 март куни е-аукцион савдо платформасига бозор баҳосида баҳоланган 308 дона автотранспорт воситасидан 10 дона автосамосвал, 54 дона автотягач ва 46 дона юк кўтарувчи ярим тиркамани сотиш мақсадида савдога чиқарилган.

2. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2024 йил учун тасдиқланган Бизнес-режасида ер солиғи 19,07 Га учун 220 363 минг сўм режалаштирилган бўлсада, амалда 2023 йилда 287 223 минг сўм тўланган.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Ж.Бойсинов, Ш.Абдиқаримов, У.Асроров, Т.Алибеков

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Юқорида баён қилинганларга асосан “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. “Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2023 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида”ги масалани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритилсин.

2. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида”ги масалани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритилсин.

3. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида”ги масалани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритилсин.

4. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича олган 370 594 минг сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимлаш тўғрисида жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритилсин:

- соф фойданинг 5 фоизини ташкил қилган 18 529,7 минг сўмлик қисмини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддасига асосан жамиятнинг захира фондига ўтказиш;

- соф фойданинг 45 фоизини ташкил қилган 166 767,3 минг сўмлик қисмини жамиятнинг устав фондига капитализация қилиш шарти билан жамиятни ривожлантириш учун йўналтириш;

- соф фойданинг 50 фоизини ташкил қилган 185 297,0 минг сўми давлат улуши бўйича дивидендга йўналтириш учун ажратиш.

5. “2023 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида”ги масалани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритилсин.

6. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2024 йилдаги фаолияти юзасидан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текширувини ўтказиш учун танловда иштирок этган контракт суммаси ҚҚС билан 22 400 000 сўм бўлган 5-иштирокчи “AMIR-AUDIT” МЧЖни танлаш ва қарор қабул қилиш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритилсин.

7. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг тижорат сири режимига риоя этиш тўғрисида”ги низоми тасдиқлансин.

8. “Ангрен логистика маркази” АЖ ижроия органининг 2024 йил биринчи чорак якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин. Жамият ижроия органи:

- 2024 йил биринчи чоракдаги фаолияти якунларини ўз мажлисларида танқидий кўриб чиқсин ва 2024 йилнинг иккинчи чорагига белгиланган Бизнес-режа кўрсаткичларини тўлиқ ижросини таъминласин;

- 2024 йилнинг иккинчи чорагига белгиланган Бизнес-режа кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилиши учун жавобгарлик шахсан “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори Б.Абдураимов зиммасига юклатилсин.

Кузатув кенгаши раиси

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси



Б.Рустамов

Т.Алибеков

Ж.Бойсинов

Ш.Абдикаримов

У.Асроров

Баённома имзоланган сана: 2024 йил \_\_\_ май